

## Саудия Арабистони юртимизга 50 тонна хурмо ҳадя қилди



11:05 / 25.03.2021 1725

2021 йил 23 март куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон Ишматбеков ва «Вақф» хайрия жамоат фонди раҳбари Яҳё Абдурахмонов Саудия Арабистонининг Ўзбекистондаги элчиси Ҳишом ибн Мишъал ас-Сувайлим ўртасида мулоқот бўлиб ўтди. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идораси матбуот хизмати хабар берди.



Мулоқотда сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳукуматининг Саудия Арабистони билан ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бораётгани, икки халқни боғлаб турувчи дин, маданият, илм-маърифат борасидаги алоқаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.



Дўстона учрашув чоғида Саудия Арабистонидаги «Подшоҳ Салмон» номидаги инсонпарварлик ёрдами маркази томонидан Рамазон ойи муносабати билан хайрия сифатида 50 тонна хурмо топширилди. Тақдим этилган хурмолар учун «Подшоҳ Салмон» фонди ва Саудия Арабистонининг элчихонасига Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан миннатдорлик билдирилди. Шунингдек, ушбу хайрия тадбирининг муборак Рамазон ойи арафасида амалга оширилиши айтилган экани таъкидланди. Ўз ўрнида элчи жаноблари келгусида Ўзбекистонда шу каби хайрия тадбирларни кўпроқ ташкил этилишини маълум қилди.



Мазкур хурмолар «Вақф» хайрия жамоат фонди томонидан Рамазон ойи арафасида республикамиздаги ташкилотлар, масжидлар, мадрасаларга хайрия сифатида тарқатилиши режалаштирилган.